



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 14 июль, № 144 (7102)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН БАНКИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июль куни Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланаётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Жорий йилда ушбу нуфузли халқаро молиявий институт раҳбарияти билан ўтказилган қатор самарали учрашувлар, жумладан, май ойида банк президенти Жим Ёнг Ким билан Вашингтонда, январь ойида бош бошқарувчи директор Кристалина Георгиева билан Тошкентдаги учрашувлар алоқаларни фаоллаштириш ва ўзаро муносабатларнинг янги йўналишларини белгилаш, шунингдек, Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган истиқболли лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг Жаҳон банки билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик портфели умумий қиймати 4,4 миллиард долларлик имтиёзли молиялаштириш эвазига амалга оширилган ва оширилаётган 39 та лойиҳани ўз ичига олади.

Улар энергетика, транспорт ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, илгор ва энергетик жиҳатдан самарали технологияларни жорий этиш, агросаноат комплексини жадал ривожлантириш, сув ресурсларини самарали бошқариш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини такомиллаштириш каби кўплаб устувор соҳаларни қамраб олади.

Хозирги вақтда 2020 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Шериклик дастури доирасида 20 дан зиёд янги лойиҳалар ҳам қўриб чиқилмоқда.



Бундан ташқари, банкнинг етакчи экспертлари Ўзбекистон солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этди. Қўшма Иқтисодий кенгашни шакллантириш бўйича иш олиб боришмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, «Йўл харитаси»ни тайёрлаш, миллий қадрлар малакасини ошириш асосида сармоявий лойиҳаларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, фуқаролик авиацияси ва қайта тикланидиган энергетика соҳаларида, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида салмоқли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бора-

сидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Сирил Мюллер давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Кимнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мамлакатимиз ва бутун минтақанинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида банк Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёр экани яна бир бор қайд этилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

СИРИЛ МЮЛЛЕР: ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЙЁР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев 13 июль куни Жаҳон банкининг
Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича
вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги
делегацияни қабул қилди.

Меҳмон учрашувдан кейин
ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни
сўзлаб берди:

— Ўзбекистон раҳбари билан учрашувда Шериклик дастури ижросига алоҳида эътибор қаратдик. Бу дастур қишлоқ хўжалиги, ирригация, энергетика, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни қамраб олган.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий модернизация қилишда ҳамкорликни янада фаоллаштириш масаласини ҳам муҳокама этдик. Хусусан, олий таълим соҳасини ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим сифатини ошириш, бунда, айниқса, қишлоқ жойлардаги шу каби муассасаларга алоҳида эътибор бериш борасида келишиб олдик.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати янада эркинлашгани, хусусан, банк-

молия, солиқ тизимидаги ўзгаришлар, валюта сиёсатининг либераллаштирилгани мамлакат иқтисодий имиджини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз 2015 йилда Жаҳон банки рейтингига қўлай бизнес муҳити бўйича 100-ўринни эгаллаган бўлса, бугунги кунда 74-ўринда қайд этилмоқда. Икки йилда 26 поғона ўсиш жуда яхши кўрсаткич бўлиб, хорижий инвесторларни жалб қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Жаҳон банки кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли шерикликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр.

ЎЗА муҳбири
З. ЖОНИБЕКОВ
ёзиб олди.

Ўзбекистоннинг янги минтақавий сиёсати дунё миқёсида эътироф этилмоқда

Марказий Осиёда конструктив ҳамкорликни
фаоллаштириш ўзаро яқин қўшничилик
муносабатларини янада мустаҳкамлашга асос яратди.
2018 йилнинг 22 июнида БМТ Бош Ассамблеяси
томонидан «Марказий Осиё минтақасида тинчлик,
барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича
минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш
тўғрисида»ги резолюциянинг қабул қилиниши
Ўзбекистоннинг янги минтақавий сиёсати халқаро
ҳамжамият томонидан тан олинishi ва қўллаб-
қувватланаётганининг ёрқин мисолидир.

Давра суҳбати

БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан имзоланган мурожаатда Марказий Осиё бешигининг муштарак мақсадлари юксак баҳоланган. Жумладан, 2018 йилнинг январида Қозоғистон раислиги даврида Афғонистон бўйича қабул қилинган ҳужжатлар аҳамияти юқори эътироф этилди. 2018 йилнинг майида Тожикистонда террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш муаммоларига бағишланган халқаро конференция натижалари қайд этилди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ўтказиш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди. Минтақа мамлакатлари

давлат раҳбарлари бошчилигида ўтказиладиган саммитлар — 2018 йилда Халқаро Оролни қутқариш жамағмаси таъсисчиларининг Туркمانистондаги учрашуви, Жаҳон қўчманчилар уйинларининг Қирғизистонда ўтказилиши илқ кўпиб олинди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан резолюциянинг қабул қилиниши муносабати билан минтақавий ҳамкорлик энди қандай истиқболда ривожланади? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатига атраофлича сўз юритилди. Тад-

бирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ҳамда халқаро ташкилотлар, чет эл дипломатик миссиялари вакиллари ва экспертлар қатнашди. Иштирокчилар савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш, замонавий транспорт ва транзит тизимини яратиш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, экологик муаммолар ва Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ оқибатларни биргаликда ҳал этиш, сув-энергетика манбаларидан умумий манфаатларни қўзғалган ҳолда тўри фойдаланиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Владимир НОРОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
хузуридаги Стратегик
ва минтақаларо
тадқиқотлар институти
директори:

— БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ушбу резолюция ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинлиги, Марказий Осиё мамлакатларининг давлатлараро

муносабатларида янги даврни бошлаб берди. Бу, энг аввало, Евросиёнинг қоқ марказида жойлашган стратегик аҳамиятга эга Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақанинг барқарор ривожланиши ва тараққиқ этишида муҳим роль ўйнайди. Бугун Марказий Осиёда икки ҳамда кўп томонлама барқарор ва самарали ҳамкорликни амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Ўзаро ҳамкорликда юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, агросаноат сектори ва туризм соҳасини такомиллаштириш, иқтисодийнинг реал секторига йирик чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича улкан салоҳият бор.

Ҳар бир ҳаётий муҳим масала бўйича халқларнинг ўзаро тинчлик, барқарорлик ва фаровонликка интилиши билан мустаҳкамланган умумлаштирувчи омилларнинг мавжудлиги минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва келишмовчиликларни енгитиб ўтиш учун мустаҳкам асос ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).



БИЗ ВА ЖАҲОН



2018 йилнинг 11-12 июль кунлари Брюссель шаҳрида Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотининг (НАТО) навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Тадбирда тузилмага аъзо 29 та мамлакатнинг давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари иштирок этди.

НАТО саммити Афғонистон бўйича Тошкент конференциясининг яқунларини қўллаб-қувватлади

Мажлис қатнашчилари Альянс фаолиятининг бугунги кун тартибини муҳокама қилиш билан бир қаторда, Афғонистон Ислон Республикасида тинчлик ўрнатилиши истиқболларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Аъзолар НАТОнинг Афғонистондаги «Қатъий кўмак» миссияси бўйича

Қўшма баёнот қабул қилдилар. Ҳужжатда жорий йилнинг 28 февраль куни ўтказилган Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик йўлида «Қобул жараёни» анжуманига алоҳида эътибор берилган.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон — Швейцария:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Шу кунларда мамлакатимизда Швейцария федерал иқтисодиёт, таълим ва илмий тадқиқотлар вазирлиги Шнайдер-Амман бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Айтиш жоизки, мазкур ташриф ниҳоятда самарали кечмоқда. Хусусан, делегация пойтахтимизда ҳамкорликда барпо этилган тўқимачилик жиҳозлари учун бутловчи қисмлар ва металл конструкциялар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Metal Processing” қўшма корхонас очилиш маросимида қатнашди.

Бизнес форуми

Икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга бўлган қизиқиш нечоғли юқори эканлигини делегация таркибидан ҳам англаш қийин эмас. Негаки, унда электротехника, энергетика машина-созлиги ва ахборот технологиялари соҳаси, темир йўл транспорти воситалари ишлаб чиқарувчи, озик-овқат саноати ва ем

ишлаб чиқариш учун технологик линиялар етказиб берувчи, тўқимачилик машинасозлигида етакчи ҳисобланган, қолаверса, инновацион қурилиш маҳсулотлари тайёрловчи дунёга машҳур 20 дан ортиқ йирик компаниялар раҳбарлари ўрин олган.

(Давоми 3-бетда).



Технология

Тинчлик йўлидаги атом энергетикаси

иқтисодиёт тармоқларида мисли қўрилмаган ютуқлар омили бўлади

Сайёрамиз нуфусининг ортиб бориши, уларнинг қўлай турмуш шарт-шароитларига интилиши, иқтисодиёт тармоқларининг жадал тараққиёти электр энергиясига бўлган талабни кун сайин оширмоқда. Шу билан бирга, уни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган табиий ресурслар захираси тобора чекланиб бораёпти. Натижада дунё ҳамжамияти энергетика истиқболлини қўёш, шомол каби муқобил энергия манбаларидан фойдаланишда қўймоқда. Улар орасида атом энергетикаси ҳам борки, у соҳа раънақида бекиёс аҳамият касб этаётгани барчага маълум.

Масалага электр энергиясига бўлган талаб 69 миллиард киловатт/соатни ташкил этадиган Ўзбекистон мисолида ёндашасан, унинг моҳиятини чуқурроқ англаймиз. Гап шундаки, шунча микдор-

даги қувватни ҳосил қилиш учун йилига 16,5 миллиард куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут ва 2,3 миллион тонна кўмир сарфланади.

(Давоми 3-бетда).



Онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик

Суд-ҳуқуқ тизими ходимлари ана шу тамойиллар асосида ишлаши шарт.

◀ (Давоми. Бошланиши 2-бетда).

— Судьялар томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин уни тушунтириш амалиёти тарафларнинг ўз ҳуқуқини тўла англаб етишига ёрдам беради, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Ирода Болтахўжаева. — Қолаверса, асоссиз бўлган шикоятларнинг олдини олишга хизмат қиладди. Брифинглар ўтказилиши эса ОАВда ёлгон ёки исботини топмаган маълумотларга танилган ахборотлар тарқалишига чек қўяди.

Яна бир муҳим жиҳат. Судьяларни танлаб олиш ва лавозимга тайинлашнинг ҳолисиғи ва шаф-фодлигини ошириш максасида ҳар бир ҳудудда судьялик корпусини шакллантиришга қўмаклашувчи комиссиялар ҳам иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Убайдулла Минғобоевнинг айтишича, жойларда бу масалалар беҳиз кўтарилаётгани йўқ. “Чунки ҳудудларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаб ибрат бўлувчи инсонлар, тизимда

ишлаган фахрийлар, жамоат ташкилотлари фаоллари бор. Улар ёрдамида судьяни танлаймиз, номзод қиламиз. Фармонга асосан, ҳудудларда ана шундай комиссиялар тузилиши кўзда тутиляпти. Бу жуда яхши. Боиси улар номзодларни танлашда ҳақиқатни айтиди. Бу биз учун жуда катта ёрдам бўлади”, деди у.

Фармонда судларга мурожаат этишда давлат божларини тўлашдаги амалдаги имтиёзлар ва давлат божлари ставкаларини қайта кўриб чиқиш ҳам кўзда тутилмоқда. Нега?

Тахлилларга эътибор беринг: мол-мулк даъволари бўйича давлат божлари Беларусь Республикасида 15 фоиз, Озарбайжонда 10, Россия Федерациясида 4, Қозоғистон ҳамда Молдовада 3 фоизни ташкил қиляпти. Ўзбекистонда эса бу бож ставкаси бор-йўғи 1 фоиз. Бу ҳолат ҳам юртимизда судларга асоссиз мурожаатларнинг кўпайиши ҳамда судьяларнинг иш ҳажми ошиб кетишига олиб келаётган эди.

— Узоқ йиллар давомида турли сабабларга қўра, тадбиркорлик субъектлари ёки фуқароларнинг тои-

фаларига нисбатан давлат божини олдиндан тўлаш ёҳуд уни кечиктириб тўлаш тўғрисидаги имтиёзлар берилган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Қобилжон Камилов. — Йиллар ўтиши, суд амалиёти натижасида бу имтиёзларни қайта кўриб чиқиш, уларни янгона концепция доирасида қайтадан белгилаш назарда тутиляпти. Мақсад ижтимоий адолатни қарор топтириш, судларга мурожаат қилишни янада енгиллаштириш, шаффофлигини таъминлашдан иборатдир.

Фармонга биноан, соҳа ходимларининг ойлик маошлари ҳам сезиларли даражада оширилади. Яъни 2018 йил 1 августдан бошлаб янгона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига қўра, судлар, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ҳамда апелляциялар ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлиmlлари ходимлари лавозим маошларини белгилашда тариф коэффициенти бир ярим баъавар миқдорда қўлланилади-

ган бўлди. Шу билан бирга, алоҳида меҳнат шaroитлари учун уларнинг лавозим маошларига яна 50 фоиз миқдорда устама ҳам тўланади.

Олий суд раисига юқори малакали, ташаббускор, хизмат мажбуриятларини ҳалол ва самарали бажараётган судьялари ҳамда ходимларига қўшимча равишда 100 фоизгача миқдорда мукофот пули тўлаш ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Фармонга асосан, судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий сугурталаш тартиби, уларнинг пенсия таъминоти шартлари ҳамда меъёрлари ҳам қайта ишлаб чиқилди. Судьяларга имтиёзли ипотека ва маиший кредитлар ажратилишда ҳам янги тартиб жорий қилинади. Ҳуллас, тизим ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мутлақо янги тизим жорий қилинади.

Бу сайй-ҳаракатларнинг тағ-замирда судьялар бошқалардан ҳам бўлмасин, бировни қўлига эмас, адолат ва қонунийлик тамойилларига қараб иш юритсин, ҳукм чиқарсин, деган маъно мужассамдир.

◀ (Давоми. Бошланиши 2-бетда).

Ушбу ҳужжатда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган комплекс чора-тадбирлар тўла-тўқис белгилаб берилган.

— Қарор билан мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботидаги жаҳоннинг биринчи йигирмата давлати даражасига мос келувчи энг қулай шарт-шaroитларни яратиш белгиланган, — дейди Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бўлим бошлиғи Дилшод Абдуазимов. — Ушбу муддатда ҳар йили рейтинг кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, тасдиқланадиган бўлди. Шунингдек, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги “Бизнес юритиш” ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг

рейтингини янада ошириш ҳамда бу йўналишда тегишли халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш соҳасида ишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган сифатида белгиланди. Бу мамлакатимиз манфаати учун ҳам фойдалидир.

Айни пайтда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина. Банкротлик қонунчилиқни такомиллаштириш, ишларни судда кўриб чиқишда шаффофлиқни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда божхона расмийлаштирувидан ўтиш тартибларини соддалаштириш каби чоралар шулар жумласидандир.

Шунингдек, “йўл харитаси”га мувофиқ, амалга ошириладиган тадбирлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотларининг техник қўмағи, грантлари ва кредитларини жалб этиш

бўйича зарур ташкилий-амалий чора-тадбирлар кўрилади. Унинг амалий натижалари эса тадбиркорлар орасида сўров ўтказиш ва онлайн алоқа орқали ўрганиб борилади.

Қисқаси, қарор билан мамлакатимиз зиммасига 2022 йилга қадар халқаро бизнес жозибадорлиғи рейтингида қучли йигирматаликка қиришдек залворли вазифа юклатилди. Биз 3 йил давомида нафақат рейтингдаги тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шaroитлар яратилган 50 дан ортиқ давлатлардан илгарилашимиз, балки мамлакат имиджини ўзгартириб, халқаро бизнес ҳамжамияти эътиборига тушишимиз ҳам лозим.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Тинчлик йўлидаги атом энергетикаси

иқтисодиёт тармоқларида мисли кўрилмаган ютуқлар омили бўлади

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Келгусида бу рақамлар тобора йириклашиши турган гап. Чунки 2030 йилда электр энергиясига бўлган талаб 117 миллиард киловатт/соатга етиши айтилмоқда. Шундай экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан атом энергетикасига асос солинаётгани электр энергиясига бўлган қучли эҳтиёжни барқарор таъминлаш йўлидаги муҳим қадам, десак, айни ҳақиқат.

Очигини айтиш керак, ҳамма жойда, хусусан, ўзбек халқида ҳам АЭС хавфли, аҳоли ва атроф-муҳитга салбий таъсир қилмасмикан, қабилдиҳат хавотир, кўрқув бор. Аммо буларнинг барчаси асоссиз. Аслида, тинчлик мақсадлари йўлида атом электр энергетикасидан фойдаланиш ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан ўта самаралидир. Атроф-муҳитга салбий таъсири нихоятда камлиғи боис унга “ашил энергетика” сифатида таъриф берилди.

Чиндан ҳам Халқаро атом энергетикаси — МАГАТЭнинг маълумотларига қараганда, бугунги кунда жаҳоннинг 30 дан зиёд мамлакатларида 451 энергоблоққа эга бўлган 191 АЭС самарали фаолият кўрсатяпти. Улар реакторлари бўйича АҚШ, Франция етакчилик қилмоқда. Ушбу мамлакатларда электр энергияга бўлган эҳтиёжнинг 72,3 фоизи АЭС томонидан қопланади. Шунингдек, Хитой, Россия, Жанубий Корея сингари давлатлар ҳам бу жабҳада илгорлар қаторидан ҳол олган. Уран захиралари бўйича дунёда тўртинчи, уни ишлаб чиқаришда эса еттинчи ўринда турган Ўзбекистонда тинчлик йўлида атом энергетикасига пойдевор қўйилаётгани иқтисодиёт тармоқларида мисли кўрилмаган ютуқларга замин яратяди.

Бинобарин, иқтисодиёт реал сектори, саноат тармоқлари ривож энергетика билан чамбарчас боғлиқ. Бирок охириги ўн йилликда бирорта ҳам янги электр станцияси ишга туширилмагани таъминотда айрим муаммоларни келтириб чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса соҳада муҳим чора-тадбирлар қилини тазоқо қилаётган эди. Демак, энг оқилона йўл — атом электр станцияси қурилаётгани масаланинг мақбул ечимидир.

Соҳа мутахассислари яхши билишадики, ҳозирги кунда АЭСнинг ўрнини боса оладиган бошқа ечим йўқ. Унинг афзалликларини тўртта йўналишда аққол кўриш мумкин. Биринчиси, экологик тозалиги, иккинчиси, хавфсизлиги, учинчиси, иқтисодий самарадорлиги, тўрттинчиси, давлатнинг умумий ривожланишдаги ролининг бекиёс эканидир.

АЭСнинг атроф-муҳит, экологияга таъсирини иссиқлик ёки гидроэлектрстанцияларники билан таққослайдиган бўлсак, жуда оз. Масалан, қувати ўртача 1 гигаваттлик ИЭСда кўмир ёқилиши оқибатида 2 миллион тоннадан ортиқ кул ҳосил бўлади. Бундан ташқари, 300 метрдан баянд бўлган қуурулар орқали тутун билан бирга, 40 минг

тонна учувчи куллар ажралиб чиқади. Буни қарангки, шу ҳисобда ИЭСда атроф-муҳитга ажралиб чиқадиган зарарли моддалар АЭСдагига нисбатан 11 баробор кўп. Бу миқдор жиҳатидан, албатта.

Энди сифат даражасига келсак, АЭСда ажралиб чиқиши мумкин бўлган инерт газларнинг ярим емирилиш даври бир неча соатдан 6 — 8 кунгача, холос. ИЭСдан чиққан моддалар узок ўшаيدди, уларнинг ярим емирилиш даври эса бир неча минг йилга етади.

Яна бир мисол. Агар ҳозир ишлаб турган АЭС фаолиятини тўхтатиб, улар ишлаб чиқарадиган электр энергияларни кўмирда ишлайдиган ИЭСда ҳосил қилинса борми, бир йилда қўшимча равишда 380 миллион тонна карбонат ангидрид гази ажралиб чиқар экан. Яна бир муҳим жиҳати, АЭСда қўшимча иқтисодий сарф-харажатлар талаб этилмайди.

Таъкидлаш керакки, юртимизда электр энергиясининг қарийб 85 фоизи газ ва кўмир ёқиш орқали, қолган 15 фоиз гидроэлектрстанцияларда ишлаб чиқарилади. Ушбу ер ости бойликлари йил сайин камайиши, демаски, нарҳининг ошиб бориши табиий. Улгевродод ёқилис ёрдамида олинадиган электр энергияси таннарҳининг 65 — 70 фоизини ёқилғи нархи ташкил этса, уран нархи ядровий ёқилғи таннарҳининг атиги 4-5 фоиздан ошмайди. Яъни уран нарҳининг ўзгариши электр энергияси баҳосида деярли таъсир кўрсатмайди. У бир неча ўн йиллардан кейин ҳам ўзгармаслиғи мумкин. Шу маънода, АЭС ҳозирги кунда энг арзон электр энергияси манбаи ҳисобланади. У ИЭС билан таққосланганда 1,5-2 баробар, кўёш энергиясига қараганда эса 5 баробар арзон.

Россиянинг “Росатом” давлат корпорацияси билан ҳамкорликда барпо этиладиган атом электр станцияси 2 энергоблоқдан иборат бўлиб, ҳар бирининг қуввати 1 минг 200 мегаваттга тенг бўлади. Бу — жуда катта рақам. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 18 — 20 фоизи, деганидир. Шуҳасаси, бу иқтисодиётимизда кескин ўзгаришларга туртки беради.

Янги қувват фойдаланишга топширилган, йилига 3,7 миллиард куб метр табиий газ тежаларди. Қўрилиб турибдики, шунча миқдордаги қимматбаҳо ресурсни бошқа соҳаларда фойдаланиш, қўшимча қиймат яратиш, бир неча баробар кўп даромад топиш имконияти пардо бўлади.

Тинч мақсадларда фойдаланиш учун мамлакатимизда экологик тоза, иқтисодий самарадор саналган атом энергетикасининг барпо этилиши, энг аввало, энергия ресурсларига нисбатан ички эҳтиёжни кафолатли таъминлаш, экспортни кўпайтириш, иқтисодий фаровонлиққа эришиш, муҳими, келажак авлодга табиий ресурсларни етказишда улкан ўрин тутяди.

Илҳом СОДИҚОВ, Ядро физикаси институти директори ўринбосари.

НАТО саммити Афғонистон бўйича Тошкент конференциясининг якунларини қўллаб-қувватлади

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2018 йил 26-27 март кўнлари бўлиб ўтган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзюида Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясининг натижалари минтадорлик билан қайд этилади.

НАТОга аъзо давлатлар етакчиларининг баёноти Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал қилишга ҳамда мамлакатни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб қилишга қўмаклашиш бўйича сиёсати ва халқаро ташаббусларининг аҳамияти халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Бирлашув Иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган Марказий Осиё бўйича резолюциясида ҳам Тошкент конференциясининг афғон меҳаросини узил-кесил ҳал қилишда муҳимлиғи алоҳида кўрсатилган эди.

Ўзбекистоннинг янги минтақавий сиёсати дунё миқёсида эътироф этилмоқда

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни очиклик, инклюзив, ўзаро манфаатли ва ишонч руҳида ривожлантириш жуда муҳимдир. Хусусан, транспорт-коммуникация соҳасида ўзаро боғлиқлиқнинг янги нуқталарини излаш, мамлакатларимизни ривожлантириш стратегияларининг ўзаро «кесишиши» учун ҳаракат қилиш масалаларига эътибор қаратиш лозим.

Алишер КУРМАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:

— Парламент дипломатияси институти минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун қўшимча рағбатга айланди. У турли масалаларда келишувга эришиш, ўзаро мақбул қарорларни қабул қилиш имконини беради ва бу, ўз навбатида, Марказий Осиёда бир-бирини тушуниш муҳитини яратиш, икки томонлама кели-

шувларни амалга оширишга жуда катта хисса қўшади. Ўзбекистон бундан кейин ҳам қўшни давлатлар билан парламентлараро муносабатларни конструктивлиқ руҳида давом эттиришга тайёр. Глобаллашув даврида халқаро ҳамжамиятнинг минтақавий сайй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши нафақат Марказий Осиё мамлакатлари халқлари фаровонлигини ошириш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш жараёнларини рағбатлантиришга хизмат қиладди, балки минтақадagi хавфсизлик асосларини янада мустаҳкамлайди.

Элдор ОРИПОВ, Ташқи ишлар вазирлигининг Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази директори:

— БМТ Бош Ассамблеяси томонидан махсус резолюциянинг қабул қилиниши, аввало, сўнгги икки йил давомида Марказий Осиё давлатлари ўзаро келишган ҳолда, сиёсий ишонч, ҳамкорлик ва бир-бирини тушуниш юзасидан минтақада мутлақо янги сиёсий муҳитни шакллантиргани билан чамбар-

час боғлиқ. Республикалар етакчилари чегаралар делимитацияси ва демаркацияси, сувдан фойдаланиш каби долзарб масалалар юзасидан келишишда муҳим натижаларга эришдилар. Савдо-иқтисодий алоқалар ривожига катта туртки берилди. Утган йил якунларига қўра, минтақа давлатлари махсулот айланмаси ҳажми 20 фоиз, алоҳида давлатлар билан эса 70 фоиз ўсди. Ишлаб чиқариш кооперацияси ривожланмоқда, транспорт-коммуникациялари соҳасида ҳамкорлиқ фоллашди. Сўнгги 20 йил давомида йил бор Тошкент ва Душанбе ўртасида хаво қатнови йўлга қўйилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида теъзорар поездлар харакатлана бошлади. Биз халқларимизни ўзаро боғлаб турган ришталар ҳақида кўпроқ гапирадиган бўлдик. Умумий муаммоларни бардиган ҳал қилишдан манфаатдоримиз. Мухими, Марказий Осиёни умумий уй сифатида қабул қилиш оммалашмоқда.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Дунё» АА.

кас боғлиқ. Республикалар етакчилари чегаралар делимитацияси ва демаркацияси, сувдан фойдаланиш каби долзарб масалалар юзасидан келишишда муҳим натижаларга эришдилар. Савдо-иқтисодий алоқалар ривожига катта туртки берилди. Утган йил якунларига қўра, минтақа давлатлари махсулот айланмаси ҳажми 20 фоиз, алоҳида давлатлар билан эса 70 фоиз ўсди. Ишлаб чиқариш кооперацияси ривожланмоқда, транспорт-коммуникациялари соҳасида ҳамкорлиқ фоллашди. Сўнгги 20 йил давомида йил бор Тошкент ва Душанбе ўртасида хаво қатнови йўлга қўйилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида теъзорар поездлар харакатлана бошлади. Биз халқларимизни ўзаро боғлаб турган ришталар ҳақида кўпроқ гапирадиган бўлдик. Умумий муаммоларни бардиган ҳал қилишдан манфаатдоримиз. Мухими, Марказий Осиёни умумий уй сифатида қабул қилиш оммалашмоқда.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш сифати яхшиланади

Бир инсон ҳаётини сақлаб қолиб, саломатлигини тиклаш, унинг оёққа туришига ёрдам бериш энг хайрли ишлардан биридир. Шу боис аҳоли соғлиғи билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинади.

Депутат фикри

Нефрологик касалликлар сўнгги вақтларда “ёшариб” бораётгани, ижтимоий-иқтисодий тенденцияга молик даражадаги муаммолар мисоли намоён бўлаётгани ташвишланарлидир. Бу буйрак патологиясининг, асосан, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида кенг тарқалгани, унинг авж олиши ва терминал буйрак етишмовчилиғи ривожланиши билан боғлиқлиғи тиббиётда маълум.

Жорий йилнинг январь-февраль ойлариди биз, депутатлар бу борада жойлардаги ҳақиқий аҳолини ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Қашқадарё ҳамда Фарғона вилоятларида нефрология ва гемодиализ хизматлари фаолияти билан ақиндан танишдик. Ўрганишлар сурун-

кали буйрак етишмовчилиғи касаллиғига чалинган беморлар сони йилдан-йилга, аниқроқ айтганда, 20 — 25 фоиз ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Беморлардан 23,2 фоиз гемодиализ, яъни уларга тиббий ёрдам кўрсатиш муволажаси билан қамраб олинмаган. Бухоро, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида ташқари, қолган ҳудудларда гемодиализ асбоб-ускуналари ва анжомлари етишмаслиғи бунинг асосий сабабларидан биридир.

Афсуски, тиббиёт муассасаларида гемодиализ муволажасини олиш учун ўринларнинг умумий сони реал эҳтиёждан бир неча баравар кам, гемодиализ бўлимларининг ярмидан ортиғи мослаштирилмаган хоналарда жойлашган. Терминал ва ўткир буйрак

етишмовчилиғига чалинган беморларни даволашнинг янгона стандартлари ва протоколлари жорий этилмаган, нефрологик касалликларнинг бараект олдини олиш, уларга ўз вақтида ташхис қўйишнинг самарали тизими, беморларни аниқлаб олиш ва гемодиализ терапиясига юбориш тартиб-таомиллари йўлга қўйилмаган. Булар ҳам тиббиётимиздаги мавжуд оғриқли нуқталардан. Нефрологлар, гемодиализ шифокорлар ва гемодиализ йўналишидаги бошқа тиббий мутахассисларни тайёрлаш бўйича янгона дастур мавжуд эмаслиғи туфайли шифокор-нефрологлар ва гемодиализ бўйича малакали кадрларга эҳтиёж кескин ортиб бораётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Шукурки, мамлакатимизда барча соҳадаги муаммолар пешма-пеш ҳал этиб боришмоқда. Ўз навбатида, аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш чоралари кўриляпти.

Президентимизнинг шу йил 12 июлдаги “Ўзбекистон Республи-

каси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилингани бу соҳадаги мавжуд камчиликларни босқичма-босқич ҳал этишга олиб келади.

Ҳужжат билан аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатишда тўсиқ бўлиб келаётган бир қатор муаммолар санаб ўтилиб, уларнинг ечимига хизмат қиладиган устувор вазифалар, кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этиладиган бўлди.

Шунингдек, соҳанинг оғриқли

муаммоси — малакали кадрлар тайёрлашга эътибор янада қучайтирилади. Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази негизида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида “Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси” кафедраси, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистратура ҳамда клиник ординатуранинг “нефрология” ва “болалар нефрологияси” мутахассисликлари бўйича янги йўналишлар очилади.

Албатта, бу янгилıklar яқин йилларда юртимиз аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мухаррам ДАДАХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст

Кейинги икки йил адабиётимиз алоҳида ардоқланган, маънавиятимиз, маърифатимиз юксак қадрланган азиз кунлари билан хотирамизда ўчмас изларини қолдирди. Ана шундай кунлар асло тўхтагани йўқ, завку шавққа тошиб давом этмоқда.

Яқинда Марғилон шахрига сафаримиз вақтида саодатманд кунлар шукуҳидан адабиётимизнинг ўзига хос муаззам чамани гуллаб-яшнаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Президент ташрифидан сўнг...

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йили Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Марғилон шахрида ижодкорлар боғини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шу асосда бу ерда кенг миқёсда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу манзилга қадам қўйсангиз, улкан бунёдкорлик ифодаларидан кўзингиз қувнайди. Истироҳат боғи майдони салкам икки бараварга кенгайтирилиб, меваги ва манзарали дарахтлар тартиб билан саф тортган, гулзору мейсзорларга дид билан зеб берилган.

Соҳир ҳаёл оғушида юрар экансиз, инсонни тафаккур қилишга чоғлайдиган обода қаршидан чиқасиз: бу — Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидов ҳайкали. Бир қўлида китоб, бир қўли қўқсида. Ўзидан нур ёғилиб турган устоз шоир сиймосидан бир зум кўз узолмай қоласиз...

Президентимиз мазкур боғ ҳақида, хусусан, шундай деган эди:

Ушбу боғ ёшлар маънавиятини юксалтирадиган масканга айланиши керак. Бу ерга келувчилар Эркин Воҳидов шеърларидан баҳраманд бўлиб, маънавий оламни янада бойитсин.

Хеч шубҳа йўқки, Қаҳрамон шоиримизнинг шеърү газаллари инсон қалбига нур индиради, зиёга буркайди. Бу нур эса келажакда ёшларнинг умр йўлларини ёритиб тургувчи бир маёқ бўлади, албатта.

Богда замонавий аттракционлар ҳам ўрнатилган. Барчаси болақонлар ихтиёрида. Табиийки, болалар бобо-момолари, ота-оналари, устозлари билан бирга келишади. Боғ уларга фақат ҳордиқ чиқариш маскани бўлибгина қолмай, маънавият манзили вазифасини ҳам ўтайди. Чунки унинг ҳудудида Эркин Воҳидов номидаги музей, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими биноси, ижодкорлар хиббони, ёш ижодкорлар мактаб-интер-

нати, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 2 минг кишилик амфитеатр, Нурунийлар маскани қад ростлаган.

Боғни нафақат истироҳат, балки маърифат боғи, дея аташ ўринли кўринади. Ёшлар сайқалбоғ асосида, албатта, Эркин Воҳидов номидаги музейга ҳам киришади. Улуғ шоирнинг ҳаёт йўли қанчалар мураккаб, зиддиятларга тўла бўлганини музей бўйлаб қилинадиган саёҳат жараёнида ҳис этиш мумкин. Шоир китоблари, қўлёзмалари, суратлари, фойдаланган буюмлари... ҳамма-ҳаммаси диққатни ўзига тортади. Улардан устознинг бўйи келиб тургандек туйилади.

Давлатимиз раҳбари эзгу гоёнинг қандай рўёбга чиқарилганини кўриш мақсадида Фарғона вилоятига навбатдаги ташрифи чоғида мемориал музей-даланга кўзларини кўздан кечирди. Мазкур маскан ҳақиқий маънавият ўчоғи бўлиши кераклигини, бу ерга ўқувчи ва ёш ижодкорларни қўроқ олиб келиш зарурлигини таъкидлади.

Вилоятда бир йилда икки марта Эркин Воҳидов ўқув кунларини ташкил этишни тақлиф қилди. Таниқли шоир номидаги ижтимоий фанлар йўналишидаги истеъдодли ёшлар мактаб-интернатининг марварид шодларидек оппоқ биноси ёшларнинг оқ кўнгилларига кўтаринки ҳиссиётлар улашмоғига асло шубҳа йўқ. Зеро, юртимизда ташкил этилган ижод мактаблари келажакни ўйлаб эзгуликка қаратилган теран маърифий ташаббус маъсулидир. Мазкур мактабларда таҳсил олган ёшлар миллиатнинг, Ватаннинг қорига ярайдиган, камолот касб этган кишилар бўлиб вояга етишларига ишончимиз комил. 2017 йили Президентимиз Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида иқтидорли болаларимизни қўллаб-қувватлашимиз, уларга барча зарур шароитларни яратиб беришимиз кераклигига алоҳида эътиборни қаратиб, келгусида

фарзандларимиз орасидан янги Абдулла Ориповлар, Эркин Воҳидовлар етишиб чиқади. Мен бунга ишонаман, деган эди, катта умидлар билан. Дарҳақиқат, катта ниятлар ила ташкил этилган ижод мактабларини илдишлари маънавият бўлоқларига туташган дарахтларга қиёсласак мутлақо ташбеҳ эмас. Насиб этса, қуртаклар гулга айланади. Унинг таровати кўнгилларни обод этади.

Маданият ва истироҳат боғини кезар эканмиз, кўнгилмиздан кечгани шу бўлди. Бу қутлуг жойининг яна бир номи Ватан. Ватанни эса доимо пок тутиш лозим. Устозимиз бу борада қуйидаги сатрларни битган эди.

*Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини яхшилик ата.
Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,
У гулнинг исмини гўзаллик деб қўй.
Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга меҳр деб қўй от.
Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.*

Президентимизнинг 2016 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори, авваламбор, шоир ижоди ҳамда хотирасига юксак ҳурмат, миллий адабиётимизга кўрсатиладиган эътиромнинг муқаддимаси сифатида тарих зарваракларига муҳрланди.

Устозимизнинг ўзбек адабиётига қўшган ҳиссасини сўз билан таърифлаб, адоғига етказиш осон иш эмас. Ўзбекистон халқ шо-

қўчди. Маҳзун халқимизнинг улкан орзуларини қалдирғоч-дай умидлар осмонида парвоз қилдирди. Айниқса, “Ўзбегим” шеъри миллимиз армонларининг, эртанги кундан, истиқлолдан кутган буюк истакларининг акс садои бўлди.

Мустақиллик қуёши порлагач, бир-биридан гўзал шеърӣ асарлар дунёга келди. Истиқлол Эркин Воҳидовни бошига кўтарди. У эса пойига бош қўйиб, фарзандлик бурчини шараф билан адо этди.

Бугун Марғилонда тонгнафас ёшларни бағрига олган мактабда ана шундай мусаффо овозлар жарангламоқдаки, адабиётимизнинг янги тонглари нихоятда ажойиб, майин ва умидбахш бўлишидан дарак беради.

Файрат МАЖИД.

Мушоҳада

Лоқайдлик эзгуликка тушовдир

Ўзбекистон телевидениесининг “Ахборот 24” дастурида пойтахтимизнинг айрим маҳаллаларидаги аянчли аҳвол намойиш этиб борилмоқда. Айни пайтда бу давр талаби, долзарб мавзу.

Таажжубга соладиган ҳижат шундаки, бундай кўринишлар бир йил, икки йил мобайнида эмас, балки анча-мунча даврдан буён давом этиб келаётгани республика ишчи гуруҳи томонидан аниқланган. Чала қурилган бўм-бўш бинолар, сув босган ертўлалар, дарз кетган деворлар, дилини хира қиладиган манзаралар, катта-кичик амаллаб ўтаётган омонат кўприклар... Айрим хонадонларда ҳатто яшаш учун оддий шароит ҳам йўқ. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган секторлар фаолияти ана шу каби ноҳус ҳолатларни бартараф этиш, аҳолининг оғирини енгил қилишга қаратилган. Аммо ўтган давр мобайнида бу йўналишдаги вазифалар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилгани маълум бўлди.

— Маҳалламизда қайси хонадонда тўй бўлса, 10 — 15 кун олдин ҳашар уюштирамиз, — дейди Тошкентнинг Оқлон маҳалласи фаоли, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Бахтиёр Каримов. — Ахир тўйда, яхши кунда ҳовли атрофи озода, саришта бўлиши — азалый одат. Телевидение орқали абгор хонадонлар кўрсатилганда, бу ерлардаги маҳалла оқсоқоллари, жонқуяр фаоллар қаерда экан, деган ҳаёлга бордик.

Хар бир ишининг соҳибни, соҳанин ўз мутасаддиси бор, албатта. Масалан, эрталаб уйдан чиқиб, хизмат жойингизга ёки тегишли манзилга йўл оласиз. Табиийки, транспортда кетаётганда кўзингизни юмиб олмайсиз, нигоҳингиз чиройли манзараларга тушса, дилингиз қувнайди. Агар боғиядек ҳаробликни кўрсангиз, таъбингиз хира тортиши аниқ.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Очиги, ҳамма бу муаммоларни ҳолдан ажаб-назавермайди. Шундай раҳбар ёки мутасаддилар тоифаси борки, улар нуқуллай шароитни қўриб кўрмасликка олиб кетаверади. Нега? Ахир, ўткир масалаларни барча биргаликда, ҳамжихатликда ҳал қилмас экан, четдан биров келиб, ечиб бермайди-ку.

Келинг, фараз қилайлик: катта асфальт йўлда кетяспиз, кенг ва силлиқ йўлнинг ўпирилиб тушган жойида машинангиз баллонни тешишди. Қаттиқ жажлингиз чиқади. Баллонни алмаштириб, йўлда давом этасиз. Шу ерда бир лаҳза тўхтанг. Нега йўлда бундай ҳолат мавжуд? Тегишли идоралар орқали йўл мутасаддисидан талаб

қилинг. Кўрган зарарингизни тўлаб беради. Бу — жамоат назоратининг бир кўриниши. Қолаверса, қонун талабларига риоя қилиб иш тутиш кишининг маданий даражасини билдиради.

Албатта, кўришда ҳам кўриш бор. Бу ҳар кимнинг дунёқараши, савияси, диду фаросатиға боғлиқ.

барчанинг қалбиде миннатдорлик ҳисси жўшаётгани сир эмас. Солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича татбиқ этилаётган янги концепция ҳаммага бирдек маъқул тушяпти. Авваллари одамлар солиқ идораси деганда жарима солувчи ташкилотни тушунарди. Эндиликда янги тизим бу идорани, аввало, инсон, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтиради.

Бугун ҳар бир соат жадал ўзгаришлар ва янгиланишлар шиддати билан ўтапти. Уларнинг энг муҳим жиҳати, адолат устуворлиги

Ўз Ватанини севган одам ён-атрофда кўзи тушган ҳолатларни синчиклаб кузатади. Она юрт гуллаб-яшнаши учун кимдир нималар қилаётганини, нималар қилмаётганини танқидий баҳолайди. Афсуски, лоқайдлик, бепарволик билан умрини ўтказадиганлар ҳам кам эмас. Ўндойлар турмуш, жамият ҳаётида ҳам зиммасидаги вазифани қойиллатолмайди.

Дўппини бошдан олиб, обдон ўйлайдиган бўлсак, бу дунёда ҳар бир қадам, ҳар бир айтилган сўзнинг масъулияти чексиз. “Мен қилгани одамман, ҳал қиладиганлар бошқа” дегувчилар қаттиқ адашади. Чунки жамият алоҳида инсонлардан таркиб топувчи жамоа, унинг тақдирда ҳар бир фуқаро муайян аҳамият касб этади.

Ҳеч ким ўзини ҳаётдан орқада қолган, деб ҳисобламайди. Лекин беш қўл баробар эмас. Қани эди, ҳамма ўзини Ватан ва юрт олдида масъул деб билса. Бунинг учун, аввало, тарбиянинг тамал тоши мустақам бўлиши зарур. Дунёқараши кенг, кўнгли пок, эл-юрт ишига қайишадиган инсонларгина эзгуликка қодир, фидойиликка тайёр.

Ҳозир юртимиздаги жараёнлар бутунлай бошқача. Янги давр ислохотлари бугуннинг ўзида самара бермоқда. “Инсон манфаати ҳамма нарсадан улуғ” деган тамойилнинг амалий намунаси рўёбга чиқмоқда.

Яна бир гап. Ишидан тортиб тадбиркорга, умуман, ҳар бир маош олувчига тааллуқли бахсли масала ечимини топаётганидан

мезонига асосланганидир. Бинобарин, Ватан ўз фарзандлари орзулари ва интилишлари инъикоси билан гўзалдир. Шу маънода, адолат бамисли соябон, ташбеҳ қилиб айтсак, қалқон, тараққийёт барқарорлигига мустаҳкам пойдевордир.

Инсон миллати, дини, ирқидан, ким бўлишдан қатъи назар, она Ватани тақдирига масъулдир. Айни пайтда жамиятимизга фидокорона масъулик керак. Бурч ва вазифага нисбатан вафодорлик жоиз. Яқинда ойнаи ҳаёнда Тошкент вилояти маркази Нурафшон шахри 3-сектор раҳбари Икром Шоақбаров “Республика ишчи гуруҳи камчиликлариимизни кўрсатиб берди. Шу пайтгача эътибор қилмаган эканмиз”, дея вақоб берганидан хайрон қолдик. У кишига қарата беихтиёр шундай дегимиз келди: “Ахир, сиз меҳр, эътибор, ғайрат-шижоат кўрсатиб, элу юртга хизмат қилишга танлангансиз. Мутасадди бўлиб, халқ оғирини енгил қилиб, дуо олмайсизми?” Аввало, инсон лафзида турсин. Давлат ва элу юртга берган ваъданинг юки оғир, бажарса шарофати беназир эканини аңласин.

Шухрат ЖАББОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



«Асака» банки
кредит карталари тўғрисида
реклама ролигини суратга
олиш бўйича
танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш истагида бўлган ташкилотлар 2018 йил 25 июлга қадар «Асака» банкига (100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- корхонанинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;
- фаолиятни амалга ошириш бўйича лицензия нусхаси;
- корхона низоми ва низомига киририлган барча ўзгартириш ва қўшимчалардан нусха;
- корхона тўғрисида маълумот;
- реклама ролигини суратга олиш муддати ва хизмат нархи кўрсатилган тижорат тақлифи.

Маълумот учун телефон: (0-371) 120-39-53.
E-mail: office@asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ИНСТИТУТИ
иккита бинода капитал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича танлов эълон қилади.

- Уч қаватли ўқув биноси тиббий қисм билан.
Смета нархи ҚҚС билан — 1 490 032 000,85 сўм.
Таъмирлаш муддати — 4 ой.
- Маънавият ва маърифат маркази ҳамда музей биноси.
Смета нархи ҚҚС билан — 885 289 239 сўм.
Таъмирлаш муддати — 4 ой.

Тижорат тақлифлари Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик мавзеси, 5-уйда қабул қилинади.
Мурожаат учун телефон: (0-371) 258-56-57 (навбатчи).

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
Беларусь Республикаси



Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
тақлиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95,
(+998 93) 555-12-88,
(0-371) 291-68-94.
www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсусот сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси қўмитала доимий асосда ишловчи сенатор Раҳматулла Назарова отаси
Джурабай НАЗАРОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриёт бош муҳаррири Азимбой Бобонизёвга отаси
Йўлдош БОБОНИЁЗОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 0010-6788

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6